ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБЖОНОВА ШОХСАНАМ ТОШКАНБОЕВНА

АГРОТУРИЗМНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ (Ўзбекистон мисолида)

11.00.05 – Атроф-муҳитни мухофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент –2018

УДК 551.4 (338.48)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Якубжонова Шохсанам Тошканбоевна
Агротуризмнинг табиий географик жиҳатлари (Ўзбекистон мисолида)…..... 3

Якубжанова Шохсанам Тошканбоевна
Физико-географические особенности агротуризма (на примере Узбекистана)……. 19

Yakubjonova Shokhsanam Tashkanboevna
Physigeographical aspects of agrotourism (on example of Uzbekistan)……35

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of pudlished works……..... 39

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБЖОНОВА ШОХСАНАМ ТОШКАНБОЕВНА

АГРОТУРИЗМНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ (Ўзбекистон мисолида)

11.00.05 – Атроф-муҳитни мухофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент –2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3. PhD G27 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (nauka@nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Нигматов Асқар Нигматуллаевич** география фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Бахритдинов Баходир Арифович** география фанлари доктори, профессор
	Шамуротова Нигора Тахировна география фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.G.01.06 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (99824) 246-53-21; 246-02-24 E-mail: ikgeografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 68 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____даги __ - рақамли реестр баённомаси)

Н.И.Сабитова
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

А.А.Қаюмов
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутунжаҳон туристик ташкилотининг хулосасига кўра XXI асрнинг биринчи ярми – туризм даври, деб бежиз аталмаган. Кейинги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасига давлатларнинг кўпроқ эътибор қаратиши сайёҳлар сонини охирги 30-40 йил ичида 70 млн дан 1,235 млрд кишига кўпайишига олиб келди[1]. Биргина Италия давлатида агротуризмдан келадиган ўртача йиллик фойда 552 млн долларни ташкил этади[2]. Бу жараёндан мамлакатимиз ҳам четда қолмади. Шу пайтгача, асосан, тарихий туризм билан чекланиб қолган Ўзбекистонда эндиликда туризмнинг янги турлари, хусусан агротуризм жадал суръатларда ривожланмоқда.

Жаҳонда туристик имкониятлардан оқилона фойдаланиш борасида, айниқса агротуризмни ривожлантириш йўналишидаги илмий тадқиқотларга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу борада табиий-антропоген геокомплексларни агротуристик нуқтаи назардан баҳолаш, районлаштириш, агротурларни аниқлаш ва маршрутларни ишлаб чиқиш орқали ҳудудларнинг туристик жозибадорлигини ошириш ва сайёҳлар ташрифини кўпайтиришга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон туристик бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтиришм»[3] вазифалари белгилаб берилган. Бу борада республикамизда агротуризмнинг ривожланишига табиий географик омилларнинг таъсири, уларнинг ҳудудий фарқлари ва мавсумий ўзгариш хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича

[1] https://www.e-unwto.org. UNWTO Annual report. 2017

[2] https://www.hse.ru. 2017

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон «Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 апрелдаги 03/1-220-сон билан тасдиқланган «Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда намунали фермер хўжаликларини сайёҳларга хизмат кўрсатишга мослаштириш, уларга сайёҳларни жалб қилиш ҳамда уларнинг мамлакатимизда бўлиш муддатларини узайтириш мақсадида агротуризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризмнинг географик жиҳатлари Д.Пирс, П.Н.Зачиняев, Н.С.Фалькович, Е.А.Котляров, М.А.Ананьев, Ю.С.Путрик, В.В.Свешников, А.А.Самойленко, С.Р.Ердавлетов, А.Г.Низамиев, О.Б.Мазбаев каби олимлар томонидан атрофлича тадқиқ қилинган. Улар туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш учун жойнинг сайёҳлик имконияти, табиий ресурс потенциали, реал экологик, иқтисодий, ижтимоий шароитининг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятларини баҳолаш, районлаштириш, назоратлаш, истиқболини белгилаш зарурлигини исботлаган. Лекин ушбу изланишларда тадқиқот объекти ва предмети агротуризм нуқтаи назаридан қаралмаган.

Қишлоқ хўжалигининг сайёҳлик имкониятларидан келиб чиқадиган илмий-тадқиқот ишлари Италияда Мария Пия Раджоньери ва Марко Валлетта, Францияда Франсуа Муане, Белорусияда С.А.Лученок, Россияда А.Н.Дегтярев, М.Шнайдер, И.Ю.Усманова, А.Н.Булгакова каби олимлар томонидан олиб борилган. Улар агротуризмни туризм соҳасининг мустақил тури сифатида шакллантириш учун, унинг объекти ва предметини белгилаш, агротурларни бошқа туристик маршрутлар билан аралаштириб юбормаслик агротуристик тадқиқотларга қўйилган талаблардан эканлигини эътироф этган. Тадқиқотчилар агротуризм ҳудудий ва даврий хусусият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтган. Чунки табиий шароит ижтимоий муҳитни, у эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини юритиш тарихи, ҳозирги ҳолати ва туристик имкониятларини турлича бўлишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда агротуризмга оид фикрлар Н.Тухлиев, Т.Абдуллаева, И.Ҳасанов, А.Н.Нигматов, Н.Т.Шамуратова, О.Х.Ҳамидов, М.Т.Алиева каби олимларнинг ишларида ўз аксини топган. Улар регионал хусусиятларга эга қишлоқ туризмини хусусиятидан келиб чиқиб мустақил тур сифатида

шакллантиришни таклиф қилган. Бу тадқиқотлар агротуризм ва унинг табиий географик жиҳатларининг илмий асосларини такомиллаштириш учун муайян имкониятларни беради. Бироқ, юқоридаги тадқиқотларда агротуризмнинг илмий-назарий асослари муайян узвийликда ўрганилмаган, агротуризм объекти, таснифий даражалари, предмети етарлича ёритилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-230 «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» дарслиги ва «Экологик ўлкашунослик» ўқув-методик қўлланмасини тайёрлаш» (2015-2017 йй.) амалий тадқиқотлар лойиҳаси дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади агротуризмнинг табиий географик жиҳатларини аниқлаш ва агротуристик объектлардан оқилона фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республиканинг табиий, табиий-антропоген геокомплексларининг агротуристик имкониятларини аниқлаш ва районларга ажратиш;

Ўзбекистон ҳудудини агротуристик районлар салоҳиятини баҳолаш ва карталаштириш;

агротуристик районларда агротурларни аниқлаш ва маршрутларни лойиҳалаш қоидаларини такомиллаштириш ва шу асосда маршрутлар картасини яратиш;

агротуризмнинг табиий географик жиҳатлари, хусусан, ҳудудийлик, даврийлик жиҳатларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистоннинг табиий ва табиий-антропоген геокомплекслари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистоннинг табиий ва табиий-антропоген геокомплексларнинг агротуристик имкониятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида ҳудудий таҳлил, картографик, географик таққослаш, дала тадқиқоти, экспедиция, статистик, типологик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

республика ҳудуди агроландшафтларнинг табиий географик шароити кўрсаткичлари баҳоланган ҳолда агротуризм нуқтаи назаридан «жуда қулай», «қулай», «кам қулай», «қулай эмас» агротуристик районларга ажратилган;

илк бор республика геокомплексларининг агротуристик объектлари ва маршрутларини акс эттирган «Ўзбекистон Республикасининг агротуристик районлари» картаси ишлаб чиқилган;

агротурларни аниқлаш ва маршрутларни ишлаб чиқиш қоидалари агротуристик объектлардан фойдаланишнинг мавсумий давомийлигини таъминлаш нуқтаи назаридан такомиллаштирилган;

республиканинг тоғ, тоғ олди, текислик, ботиқларидаги геокомплексларида агротуристик фаолиятни ташкил этишнинг ҳудудий

тафовутлари ва агротуристик маршрутларнинг фаслий ўзгариш йўналишлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

республиканинг табиий, табиий-антропоген геокомплексларининг агротуризмда фойдаланиш имкониятлари (рельеф қиялиги, ҳарорат, нисбий намлик, радиация миқдори, шамол режими, ёғин миқдори, ер усти сувлари, деҳқончилик ва чорвачилик турлари) баҳоланган;

Ўзбекистон ҳудуди агротуристик районлаштирилган ва ҳудудларда агротуризмни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

агротурларни аниқлаш ва маршрутларни ишлаб чиқиш бўйича олинган маълумотлар асосида «Фарғона агротуристик районининг сайёҳлик имкониятлари ва маршрутлари» картаси тузилган;

агротуризмнинг ҳудудий фарқлари ва фаслий мосланувчанлик хусусиятлари аниқланган ва уларда агротуристик маршрутларнинг турли йўналишларини (соф агротурлар, агро-экотурлар, комплекс агротурлар) ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижалари ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари ва дала кузатув ишлари асосида бажарилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган мавзули карталар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти геокомплексларнинг агротуристик имкониятларини аниқлаш ҳамда агротуризмда фойдаланишнинг методик ёндашувларини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва тавсиялар республикамизда табиий ва табиий-антропоген геокомплексларнинг агротуристик имкониятларини аниқлаш, районларга ажратиш ва маршрутларни ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Агротуризмнинг табиий географик жиҳатларини тадқиқ қилиш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

республикамиз геокомплексларининг агротуристик имкониятларини жуда қулай, қулай, кам қулай, қулай эмас даражаларга ажратиб баҳолаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 04-22/5660-сон маълумотномаси). Натижада республикамиз ҳудудларининг агротуристик объектлари ва улардан фойдаланиш имкониятини аниқлашга хизмат қилган;

республикамиз ҳудудини агротуристик районлаштириш ва улардаги агротуристик объектлар ва маршрутларни акс эттирган «Ўзбекистон Республикасининг агротуристик районлари» картаси Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 04-22/5660-сон маълумотномаси). Натижада республикамиз ҳудудларида агротуризмни турли йўналишларда ва мавсумий ташкил этишга хизмат қилган;

агротуризмда турларни аниқлаш ва маршрутларни ишлаб чиқиш қоидаларини такомиллаштириш бўйича таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 04-22/5660-сон маълумотномаси). Натижада янги туристик йўналишлар ва маршрутлар ишлаб чиқишга, республикамизнинг туристик салоҳиятидан фойдаланишни яхшилашга хизмат қилган.

агротуризмнинг ҳудудий фарқлари ва даврий ўзгаришлари хусусиятларининг республикамиз ҳудудий хусусиятлари «Экология ва табиатни муҳофаза қилиш» номли ўқув қўлланмага сингдирилган (24.08.2017 йил №603-сон гувоҳнома). Натижада бакалавриат талабаларига агротуризмнинг ҳудудийлик, даврийлик жиҳатларини ўрганишга, геокомплексларнинг имкониятларидан оқилона фойдаланиш ҳақидаги билимларини чуқурлаштиришга, ўқитиш сифатини оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси акс эттирилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Агротуризмни табиий географик тадқиқ қилишнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида олиб борилган илмий изланишлар агротуризмнинг тарихий шаклланган илмий асослари мавжудлигини, уни янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Илмий адабиётларда агротуризм атамасининг умумэътироф этилган аниқ таърифи ишлаб чиқилмаган. Мавжуд атамаларга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш асосида умумлаштирган тарзда, бизнинг фикримизча агротуризм кишиларнинг аграр соҳа объектларига қиладиган саёҳатларидир. Тадқиқотимиз натижасида агротуризм объектлари сифатида қишлоқ хўжалик геокомплекслари**;** аграр соҳанинг бир-биридан тубдан ҳудудий фарқ қиладиган макрозонал турларининг мавжудлиги; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлган этнографик ҳодиса ва жараёнларнинг мавжудлиги; қишлоқ аҳолисининг тарихан шаклланган, турмуш тарзи билан боғлиқ миллий ўзига хослик кабилар ажратилди.

Агротуризмни ривожлантиришда муайян принципларга амал қилиш зарурлигини назарда тутган ҳолда хорижий адабиётларда олимлар ва мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар ва қарашлар таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида агротуризмнинг қуйидаги асосий принциплари аниқланди: 1. Давлатни тартибга солишининг устуворлиги; 2. Ватанпарварлик; 3. Табиий ресурслардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш; 4. Агротуризмни ташкил этишнинг комплекслиги; 5. Маънавий бирлик ва фаровонлик манбаи; 6. Қишлоқ жойларини барқарор ривожлантиришга кўмак кўрсатиш; 7. Қишлоқ ва шаҳар маданиятлари ўртасида воситачилик; 8. Агротуристик маданият ва таълимнинг зарурийлиги.

Агротуризм турли минтақа ва давлатларнинг табиий-ижтимоий тараққиёти ва мафкуравий ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда турли йўналишларда ривожланган ва уларда ўзига хос агротуризмдан фойдаланиш моделлари шаклланган. Ҳорижий давлатларда (Италия, Франция, Германия) энг кўп қўлланиладиган кичик меҳмонхона бизнеси, тарихий аграр объектлар, ихтисослаштирилган хусусий агротуристик объектлар, давлат ёки хусусий қишлоқ хўжалик паркларини яратиш каби моделлари ажратилди. Республикамизда агротуризмни ривожлантириш учун энг юқори самара берадиган моделлар, жумладан кичик меҳмонхона бизнеси, тарихий аграр объектлар моделлари асослаб берилди.

Туризм географиясида таснифлаш уни ҳудудий ташкил этиш ва муайян мақсад сари ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Агротуристик тасниф - агротурларнинг муайян кўрсатгичлари асосида тизимли даражалаш ёки туркумлашни билдиради. Шунга кўра агротурларни синф – тур – кўриниш – гуруҳ – даража каби иерархик қисмларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Биз агротурларни қуйидаги кўринишда таснифлашни таклиф этдик: Агротуризм объектига кўра: 1. Агромажмуаларга ташкил этиладиган агротурлар; 2. Табиатнинг мавсумий байрамларига уюштириладиган агротурлар; 3. Қишлоқ урф-одатлари ва маросимларида ўтказиладиган агротурлар каби синфларга ажратиш мумкин.

Мавсумий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда агротурларнинг қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин: баҳор, ёз, куз ва қиш мавсумида ўтказиладиган агротурлар. Шунингдек, агротурларда сайёҳлар маршрутларнинг масофаси, маҳаллий шароити, мавсумга мослигига қараб иҳтиёрий тарзда турли ҳаракатланиш воситаларидан фойдаланадилар, бунда танлаб олинган ҳаракатланиш воситаларига кўра агротурларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: темир йўл транспорти, автотранспорт, авиатранспорт ва комбинациялашган (автомобиль, уловларда) воситалар ёрдамида амалга ошириладиган агротурлар.

Диссертациянинг «**Агротуризмнинг ҳудудийлик ва даврийлик жиҳатлари**» деб номланган иккинчи бобида агротуристик фаолият билан шуғулланаётган давлатлардаги агротуризмнинг ҳудудий ривожланиши, даврий хусусиятлари, республикамиз геокомплексларнинг агротуристик имкониятлари таҳлил қилинди.

Агротуризмдан фойдаланишда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий имкониятлари, агротуристик объектларнинг мавжудлиги, табиий шароити ва ресурслари, географик ўрнини ҳисобга олиш, агротуризм талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, геокомплексларнинг агротуризм учун яроқли, қулай ёки ноқулайлик даражасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Табиат компонентлари – рельефнинг ёнбағир қиялиги, иқлим шароити, атмосфера ёғинлари, шамол режими, ер усти сувлари, ўсимлик қоплами ва ҳайвонот дунёсининг агротуризм имкониятлари аниқланди. Баҳолашда «жуда қулай», «қулай», «кам қулай» ва «қулай эмас» мезонлардан фойдаланилди.

Тадқиқотлар натижасида рельефнинг ёнбағир қиялиги 3^0- агротуристлар, шунингдек, туристик объектлар қуриш учун ҳам жуда қулай, $3\text{-}15^0$ - қиялик агротуристлар ҳаракатланиши учун қулай, 15- 35^0- қиялик ҳаракатланиш қийин, мураккаб маршрутларда фойдаланиш мумкин; қиялик 35^0 дан юқори бўлганда агротуристик фаолият учун ноқулайлиги аниқланди.

Иссиқ ва совуқ ҳароратларда организмнинг терморегуляция механизми ўзгаради. 34,0 ^{0}C дан юқори ҳароратли кунлар туристлар учун ноқулай (иссиқ, дискомфорт), 33,0-34,0 ^{0}C оралиғидаги ҳарорат кам қулай (иссиқ, субкомфорт), 31-32,9 ^{0}C ҳарорат қулай (комфорт), 30,9-29,0 ^{0}C оралиғида кам қулай (салқин, субкомфорт) ҳамда 28,9-23 ^{0}C ноқулай (совуқ, дискомфорт) давр ҳисобланади. Агротуризм учун комфорт ва субкомфорт об-ҳаво қулай шароит яратади.

Ҳавонинг нисбий намлиги туристларнинг умумий ҳолатига таъсир этади. Ҳавонинг нисбий намлиги 30% дан паст қуруқ, 30-60% оралиғида қулай, 71-80% да ўртача нам, 80% дан юқори бўлса жуда нам ҳисобланади. Ҳавонинг нисбий намлиги 30% ва ундан паст кунлар, яъни қурғоқчил кунлар

республикамизнинг чўл ҳудудларида 200 кун, тоғ олди ва тоғли ҳудудларда 125-180 кунни ташкил этади. Бу даврда фақат қисқа муддатли агросайёҳликни ташкил этиш мумкин.

Агротуристик маршрутларни белгилашда шамолнинг тезлиги 2,2-3 м/сек бўлган ҳудудларни танлаш зарур. Ўсимлик қопламининг зичлиги 30-100% гача агротуризм учун жуда қулай, 40-50% да қулай, 30-40% да кам қулай ва 0-30% да қулай эмаслиги аниқланди.

Табиат комплексларини баҳолашда релъеф тури, юзасининг хусусиятлари, ётқизиқларнинг литологик таркиби, грунт сувларининг чуқурлиги ва минераллашганлиги, тупроқ тури, унинг шўрланиш даражаси, сув ва шамол эрозиясига берилганлиги, ўсимлик қопламининг зичлиги, турлари, агроландшафтларнинг маданийлаштирилганлиги ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш, табиий жараёнлар ва ҳодисалар, инфратузилма даражаси, агротуризмда фойдаланиш даражаси каби омиллар олинди. Тадқиқот натижасида текислик ва тоғли ҳудудлар агротуризм мақсадида жуда қулай, қулай, кам қулай, қулай эмас табиат комплексларига ажратилди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонни агротуристик районларга ажратиш ва улардан туристик мақсадларда фойдаланиш**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонни агротуристик районларга ажратиш ва улардан туристик мақсадларда фойдаланиш, агротуристик маршрутларни ташкил этиш ва уларнинг географик хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Агротуристик районларни ажратиш хилма-хил омиллар (табиий, иқтисодий, экологик-физиологик, тарихий, аграр иқтисодиёт ва бошқалар)ни ҳисобга олишни талаб қилади. Бундай районлаштириш турли ҳудудларда мавжуд салоҳият ва улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш, уларда агротуризмни мақсадга мувофиқ ташкил этишни назарда тутади. Ҳудудларнинг агротуристик салоҳиятини баҳолаш асосида турли хусусиятларга эга бўлган районлар тизими ажратилади.

Районлаштиришда табиий-антропоген ҳудудий комплекслар асос қилиб олинди. Мавжуд ландшафт карталари эса ахборот базаси вазифасини бажарди. Булар чекловчи ёки фаол кўрсаткичларга эга бўлган табиат компонентлари ва объектларини аниқлашга имкон берди.

Агротуристик районлаштиришда ҳудудларнинг туристларни ўзига жалб этадиган қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга: 1) агроландшафтларнинг турли-туманлиги ва уларнинг такрорланиш даражаси; 2) агротуристик ресурсларнинг жозибадорлиги, ноёблиги, даромад олиш имкониятлари; 3) маданий, аграр, этнографик қадриятлар (тарихий-меъморий ёдгорликлар, аграр ва хунармандчилик марказлари, этнографик ўзига хос манзиллар мавжудлиги ва бошқалар); 4) агротуризмда оммавий ва индивидуал фойдаланиладиган табиий ва агроландшафт участкалари объектларининг мавжудлиги, уларнинг агротуристларнинг кўнгилли дам олишига мослаштирилганлиги ва қулайлиги.

Шунингдек районларни ажратишда қуйидаги принципларга амал қилиш зарурлиги асослаб берилди: геокомплексларнинг антропоген

ўзлаштирилганлик даражасининг устуворлиги, комплекслик, саёҳатбоплик имкониятларининг мавжудлиги, сервис хизматининг мавжудлиги, анъаналар хилма-хиллиги ва миллий ўзига хослиги.

Тадқиқотимизда агротуристик районларни ажратишда қуйидаги хусусиятлар ва кўрсаткичлар асос қилиб олинди: ҳар бир районнинг ўзига хос агротуристик салоҳият ва имкониятлари хусусиятлари; районлар чегарасининг баъзи ҳолатларда мавжуд маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларига мос келмаслиги ва бунда туманлараро чегаралардаги ҳудудларда ландшафт хусусиятлари асос қилиб олиниши (ички транзит агротуризми); ҳудудларнинг ўзига хос агротуристик объектларининг мавжудлиги ва уларнинг агротуристик ихтисослашишга таъсири; агротуризмнинг маҳаллий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ихтисослашуви хусусиятларига мос келиши; ҳудудларнинг эстетик хоссалари (диққатга сазовор объектлар, пейзажлар ва уларнинг кузатишга қулайлиги); агротуристик маршрутларни бошқа туристик маршрутлар билан бирга олиб бориш имкониятларининг мавжудлиги.

Юқоридаги хусусият ва кўрсаткичлар ахборотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилишга, ҳудудларнинг ўзига хос рекреация салоҳияти ва имкониятларидан оқилона фойдаланиш йўналишларини аниқлашга, ва ниҳоят агротуристик районлар чегараларини белгилашга имкон беради.

Тадқиқот натижалари агротуристик районларга қуйидагича таъриф бериш имконини берди: Агротуристик район – табиий-географик шароити ва ресурслари, агроландшафтларнинг ўзига хос агротуристик салоҳият ва имкониятларга эга бўлган, улардан фойдаланиш йўналишлари билан бошқа районлардан фарқ қиладиган ҳудуд. Агротуристик кичик район мазкур район миқёсида агротуризм ихтисослашишининг ўзига хослиги билан бошқа кичик районлардан фарқ қилади.

Агротуристик районлар бир-биридан агротуристик ҳолат, салоҳият, имкониятлар ва ривожланиш истиқболлари жиҳатидан фарқ қилади. Тадқиқотимиз натижасида Ўзбекистон ҳудудида 15 та, яъни Устюрт, Оролбўйи, Қуйи Амударё, Қизилқум, Қуйи Зарафшон, Ўрта Зарафшон, Нурота, Қашқадарё, Ҳисор-Зарафшон, Бойсун-Боботоғ, Сурхон-Шеробод, Мирзачўл, Чирчиқ-Оҳангарон, Ғарбий Тяньшан, Фарғона агротуристик районлар ажратилди (1-расм).

Мамлакат агротуризмининг кўп жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган агротуристик район – Фарғона районига комплекс тавсиф бериш мақсадга мувофиқ. Фарғона районининг ўзига хос иқлим хусусиятлари, ер усти ва ер ости суви заҳираларига эгалиги агротуризмни ривожлантириш учун катта имкониятлар беради. Фарғона районида табиий географик шароит ва ресурслар, агротуристик имкониятлар хилма-хил бўлган олтита кичик районлар ажратилди: Ғарбий Олой, Марказий текислик, Ғовасой, Чатқол, Фарғона ва Шарқий Чатқол.



1-расм. Ўзбекистон Республикасининг агротуристик районлари картаси

Адабиётларда олимларимиз томонидан туристик маршрутларга берилган таърифларга асосланиб, агротуристик маршрутларни қуйидагича таърифлаш мумкин: Агротуристик маршрут – муайян жойнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва реализация қилишнинг қизиқарли саёҳатбоп жараёнлари билан танишиш мақсадида аввалдан белгиланган объектлар бўйича сайёҳ ёки сайёҳлар гуруҳининг ҳаракатланиш йўли.

Туристик маршрутларни ишлаб чиқиш бир нечта умумий принципларга (йўналтирувчи қоидаларга) асосланади, уларни такомиллаштириб агротуристик маршрутларга ҳам қўллаш мумкин. Агротуристик маршрутларнинг жозибадорлик ва бетакрорлик, имкониятлар мавжудлиги, саёҳатнинг мазмундорлиги, агротуристик фаолиятни комплекс ташкил этиш, алтернативлик, мажмуалик, ахборотлаштириш каби принципларини ажратиш мақсадга мувофиқ.

Агротуристик маршрутларни ишлаб чиқиш рекогносцировка (лотинча recognosco - томоша қиламан) ишларини амалга ошириш, агротуристик маршрутлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни план ёки картага тушириш, ҳар бир агротуристик маршрут бўйича қабул қилувчилар, гидлар ва туристлар учун “эслатма”, буклет ва рекламалар лойиҳасини яратиш, экспертизадан ўтказиш; ўзгартиришлар ва қўшимчалар асосида такомиллаштириб бориш ҳамда уларни чоп этиш каби босқичларни ўз ичига олади.

Агротуристик маршрутлар таснифий белгиларига (маршрут ичидаги туристик объектлар хусусиятига) кўра соф агротуристик маршрутлар (агротурлар), агротуризм ва экотуризмни бирга қўшиб амалга оширишга йўналтирилган маршрутлар (агро-экотурлар), агротуризм билан бошқа туризм турларини бирга қўшиб олиб боришга қаратилган маршрутлар (комплекс агротурлар)га ажратилди.

Фарғона агротуристик районининг туристик имкониятларидан оқилона фойдаланишни назарда тутиб, 12 та маршрут белгиланди. Маршрутлар улардаги туристик объектлар хусусиятларига кўра турларга ажратилди ва 1:400000 маштабли картада ифодаланди (2-расм). Диссертацияда маршрутлардан учтасига тўлиқ тавсиф берилди. Унда ҳудуднинг табиий шароити, инфратузилмаси, агротуристик ва бошқа туристик объектлар сони, туристларга кўрсатиладиган сервис хизмати каби маълумотлар ўрин олган.

2-расм. Фарғона агротуристик районининг сайёҳлик имкониятлари ва маршрутлари картаси

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот қуйидаги хулосаларни чиқаришга, тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишга имкон беради:

1. Агротуризм кенг оммалашиб боришига қарамай, унинг илмий-назарий асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Агротуризмни ривожлантиришда муайян принципларга амал қилиш талаб этилади. Шунга мувофиқ олимлар ва мутахассислар томонидан берилган тушунча, маълумотларни умумлаштириш асосида агротуризмнинг асосий принциплари ажратилди.

2. Агротуризм ривожланган давлатларда, уларнинг концепцияси асосида, агротуризмнинг турли моделлари шаклланган. Улардан республикамизда агротуризмдан самарали фойдаланиш учун қулай бўлган кичик оилавий меҳмонхона бизнеси ва тарихий аграр объектлар каби моделлари тавсия этилади.

3. Агротуризм таснифи уни ҳудудий ташкил этиш ва муайян мақсад сари ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Агротурларни синф – тур – кўриниш – гуруҳ – даража каби иерархик қисмларга ажратиш мумкин. Агротурларнинг объекти, мавсумий хусусиятлари, ҳаракатланиш воситаси, сайёҳларнинг ёши, ижтимоий ҳолати, моддий имкониятига кўра таснифлаш мақсадга мувофиқ.

4. Геокомплексларнинг агротуризм учун яроқли, қулай ёки ноқулайлик даражасини баҳолашда табиат компонентлари – рельеф ёнбағир қиялиги, иқлим шароити, атмосфера ёғинлари, шамол режими, ер усти сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг агротуризм имкониятлари аниқланди.

5. Агротуризмда фойдаланиш нуқтаи назаридан текисликларда тоғ олди пролювиал ва дарё водийларининг юқори террасалари жуда қулай, конус ёйилмалари ва дельталарнинг бош қисмлари қулай, конус ёйилмалари ва дельталарнинг ўрта қисмлари, қуйи террасалар кам қулай, дельталарнинг этак қисмлари, пролювиал текисликларнинг қуйи ёки чекка жойлари, плато ва баландликлар қулай эмас, деб баҳоланди.

6. Тоғли ҳудудларда тоғ олди текисликлари, адирлар, адир олди текисликлари жуда қулай, паст тоғлар, адирлар қулай, ўртача баланд тоғлар кам қулай, баланд тоғлар қулай эмас деб баҳоланди, улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

7. Антропоген ўзлаштирилганлик, комплекслик, саёҳатбоплик каби принцип ва кўрсаткичлар асосида республика ҳудуди 15 та агротуристик районларга ажратилди, 1:1 000 000 масштабли картаси ишлаб чиқилди ва фойдаланишга тавсия этилди.

8. Агротуристик маршрутларни ташкил этиш учун туристик объектларни аниқлаш, белгилаш ва улардан унумли фойдаланиш талаб этилади. Агротурларни аниқлаш ва маршрутларни ишлаб чиқиш қоидаларини такомиллаштириш асосида Фарғона агротуристик районида 12

та агротуристик маршрутлар ишлаб чиқилди, улар 1:400000 маштабли картада тасвирланди ва фойдаланишга тавсия этилди.

РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ DSc.27.06.2017.G.01.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЯКУБЖАНОВА ШОХСАНАМ ТОШКАНБОЕВНА

ФИЗИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ АГРОТУРИЗМА (на примере Узбекистана)

11.00.05 – Охрана окружающей среды и рациональное использование природных ресурсов

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/G27

Диссертация выполнена в Ташкентском педагогическим государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (nauka@nuu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Нигматов Аскар Нигматуллаевич**
доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Бахриддинов Баходир Арифович**
доктор географических наук, профессор

Шамуратова Нигора Тахировна
кандидат географических наук, доцент

Ведущая организация: **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «___» _____2018 г. в ___часов на заседании разового при Научном совете DSc.27.06.2017.G.01.06. при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел.: (99871)227-12-24, факс:(99824)246-53-21; 246-02-24. E-mail: ikgeografiya.nuuz@mail.ru. Национального университета Узбекистана, факультет Географии и природных ресурсов.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за №.). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Национальный университет Узбекистана.

Автореферат диссертации разослан «___» _____2018 года
(реестр протокола рассылки №.. от «___»_____2018 года)

Н.И.Сабитова
Председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.н., профессор

Ш.М.Шарипов
Учёный секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, к.г.н., доцент

А.А.Каюмов
Председатель научного семинара при разовом Научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. По заключению Всемирной туристической организации первая половина XXI века – названа эпохой туризма. В результате особого внимания государств к сфере обслуживания, количество туристов за последние 30-40 лет с 70 млн. увеличилось до 1,235 млрд. человек[4]. Средний годовой доход, от агротуризма лишь в одной Италии, составляет 552 млн. долларов США[5]. Не остается в стороне от этого процесса и наша страна. Сегодня в Узбекистане, где в основном был исторический туризм, развиваются новые виды туризма, в частности быстрыми темпами развивается агротуризм.

В мировой практике для развития агротуризма в сельской местности основное внимание уделяется научным исследованиям, которые направлены на развитие агротуризма. Следовательно, особое внимание уделяется на исследование природно-антропогенных комплексов с точки зрения применения их в агротуризме, их оценке, районированию, определению агротуров, разработке маршрутов и увеличению возможностей для увеличения привлекательности этих мест и привлечения сюда туристов.

Республика имеет ряд достижений в стремительном развитии туризма, в создании благоприятных экономических и организационно-правовых условий, в пропаганде национальной туристической продукции на мировом туристическом рынке, в рациональном использовании туристических объектов, в улучшении сферы услуг, в увеличении потока прибывающих туристов в страну. В развитии стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены следующие задачи: интенсивное развитие индустрии туризма, повышение её роли и вклада в экономике, диверсификация и улучшение качества туристских услуг, расширение инфраструктуры туризма»[6]. В связи с этим исследования по изучению физико-географических особенностей агротуризма в республике имеют важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4861 «О мерах по обеспечению ускоренного развития туристической отрасли в Республике Узбекистан» от 2 декабря 2016 года, УП-5326 «О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристического потенциала Республики Узбекистан» от 3 февраля 2018 года, Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-3217 «О первоочередных мерах по развитию сферы туризма на 2018-2019 годы» от 16 августа 2017 года, ПП-3509 «О

[4] https://www.e-unwto.org. UNWTO Annual report. 2017.
[5] https://www.hse.ru. 2017.
[6] Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан.

мерах развития въездного туризма» от 6 февраля 2018 года, ПП-3514 «О мерах развития внутреннего туризма» от 7 февраля 2018 года, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 03/1-220 «Программа о мерах развития агротуризма в целях привлечения туристов и увеличения сроков их пребывания в стране, приспособление образцовых фермерских хозяйств Республики Каракалпакстан и вилоятов в оказании туристических услуг» от 2 апреля 2018 года а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды»

